ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Қувондиқ Айитбаевич Қадиров
Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори
E-mail: quvondiq76@umail.uz

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола янги Ўзбекистон шароитида ғоявий тарбиянинг замонавий турлари, усуллари ва уларни қўллаш масалаларига бағишланади. Шу билан бирга мақолада ғоявий иммунитетни шакллантириш воситалари ҳам илмий асосларга таяниб муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: миллий ғоя ва маффкура, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, педагогик соҳа.

NEW UZBEKISTAN: NEW APPROACHES TO THE SYSTEM OF IDEOLOGICAL EDUCATION

Kuvondik Ayitbayevich Kadirov
Vice-Rector for Youth Affairs of Nukus State Pedagogical Institute named after Adjiniyaz
E-mail: quvondiq76@umail.uz

ABSTRACT

This article is devoted to modern types, methods of ideological education in the new Uzbekistan and their application. At the same time, the article discusses the means of forming ideological immunity on a scientific basis.

Keywords: national idea and ideology, education, spirituality and enlightenment, youth education, pedagogical sphere.

КИРИШ

Бугун Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида барча соҳалар каби маънавият ва маърифат, тарбия соҳаси ҳам инновацияларга муҳтож. Европада,

Жанубий Корея, Япония, Хитой, Россияда ёшлар тарбиясининг илмий-стратегиялари билан шуғулланадиган юзлаб ташкилот, фонд, ассоциациялар бор. Уларнинг тажрибасини ўрганиш, замонавий технологияларини олиб келиб, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш олий таълим модернизациясининг муҳим талабларидан бири бўлиб турибди. Зеро олиб борилаётган барча ислоҳотлар, Ҳаракатлар стратегиямизнинг самарадорлиги инсон омилига, унинг маънавиятига боғлиқ. Шу сабабли миллий ғоя, ғоявий тарбия ва маънавият-маърифат масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ғоявий тарбияга бефарқ ва лоқайд бўлган миллат ва мамлакатлар ер юзидан номи ва ўзи йўқолиб кетишига сабаб бўлса, ёшларни замонавий миллий ғоя руҳида тарбиялаган миллат бардавом яшайди. Шу сабабли халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий, ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатларини шакллантириш, ён-атрофда ёз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч осойишта ҳаётимизга хавф туғдириш мумкин бўлган тажавузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси [1] муҳим масала ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мафкура атамаси – (араб тилидан олинган бўлиб – фикр юритиш; тафаккур; эътиқод ва маслаклар тизими) жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуидир. Мафкуравий – мафкурага оид; мафкура жиҳатидан. Мафкуравий душман, Мафкуравий кураш маъноларини англатади. Иммунитет тушунчаларининг луғавий маъноларига эътибор қаратсак, иммунитет (лотинча immunitas, immunitatus – қутилиш; халос, холи бўлиш) биол.,тиб. Организимнинг ўзидан ирсий жиҳатдан ёт ҳусусиятлари билан фарқ қиладиган, унинг бутунлигига ва биологик ўзига хослигига зарар етказадиган микроорганизимлар (касаллик қўзғатувчилар), заҳарли моддалардан ҳимоялаш реакцияси демакдир [2]. Демак имунитет киши организиминиг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида “мафкуравий иммунитет” тушунчаси ҳақида “Олдимизга қўйган олийжаноб мақсад муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан

батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг ҳуружидан ҳимоялаш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар тамонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимизнинг ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда", деган фикр билдирилган эди.

Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим [3] деб таъкидлайди.

Профессор М.Қуроновнинг "Эгоцентризм – ёввойилик фалсафаси" номли мақоласида ушбу ғоянинг ёвуз моҳиятини очиб беради. "Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта ҳавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстримизм, наркоагрессия ва ОИТС сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозироқ уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир",[4] дейди.

Ғарб давлатлари ҳаётнинг турли соҳаларида, хусусан, маданий ҳаётда юз бераётган инқирозий жараёнларга холис ёндашаётган мутахасислар, Ғарб дунёси ҳалокот томан бораётганлигини қайғу билан қайд этмоқдалар. Масалан америкалик таниқли файласуф ва сиёсий шарҳловчи П.Ж.Бюкененнинг сўнги йилларда эълон қилинган китоблари сарлавҳаларининг номланиши огоҳликка чорлайди: "Буюк хоинлик: Америка суверенитети ва ижтимоий адолат глобал иқтисодиёт тангрисига қурбон этилгани ҳақида"(1998), "Ғарбнинг ҳалокати: аҳолининг камайиши ва муҳожирликнинг кучайиши мамлакатимиз ва тамаддунимизга қандай таҳдид солмоқда?"(2001), "Ўнгларнинг сўлларга айланиши"(2004), "Ғарбнинг халокати" китобларида АҚШда вужудга келган вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил этар экан, муаллиф ўз юртининг таназзулини аввало, маданиятининг емирилаётганлигини, азалий урф одатларнинг йўқолаётганлигини, асрлар давомида эъзозлаб келинган қадриятларнинг топталаётганлиги билан боғлайди ва бундай ишларнинг тепасида турган "маданий инқилобчилар"ни П. Бьюкенен "замонамиз толибонлари" деб атайди.

Бугунги кун талабаси, бўлажак мутахассисларни ғоявий тарбиялаш илгари қўйилмаган янги вазифани амалга оширишни талаб қилади. Яъни, илгари

талабаларга миллий ғоя, бузғунчи ва бунёдкор ғоялар тўғрисида билим бериш билан чекланиб келинган бўлса, энди улардан ана шу билимларини ҳаётда қўллашни ўргатиш талаб этилади. Зеро ғоявий тарбия ўз мазмун моҳиятига кўра талаба ёшларни ижтимоий фаол мутахассислар этиб тарбиялашни кўзда тутади. Модернизациялашган ғоявий тарбия ғоявий ҳушёрликни, компетенцияларни ёшларнинг кундалик ҳаётдаги уқувларига, хулқ-атвор меъёрларига айлантиради. Зеро академик А.Саидов таъкидлаганидек, “Ҳозирги босқичда фуқаролик жамиятининг демократик негизларини шакллантириш фақат Конституция ва Ўзбекистон қонунчилигининг асосий қоидаларини билишнигина эмас, балки ўзининг амалий фаолиятида Конституция кўрсатмаларига амал қилишни ҳам тақозо этадиган юксак конституциявий маданият қарор топиши вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Муайян билимларга эга бўлиш мумкин, бироқ, уларни амалиётда қўллаш уқуви бўлмаслиги мумкин [5]”.

Ушбу билимдан уқув, компетенцияга трансформация принципи З.Қосимованинг “Талабаларнинг мафкуравий онгини устиришда, улар бузғунчи мафкураларга ҳар доим, ҳамма жойда муросасиз бўлиши, миллий мафкуравий тарғиботни кучайтириш, миллий ғоямизни амалда қўллашга, ҳимоя қилишга тайёр бўлишлари зарур”,[6] деган хулосаси тасдиқлайди.

Педагогика фанлари номзоди Ҳ.Д.Норқулов ўз тадқиқотида масъулият фазилатига алоҳида урғу беради. “Ватан туйғуси билан яшаш шахсда миллий маъсулиятни шакллантиради. Миллий маъсулият одамнинг хар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва миллати учун нима наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Маъсулиятни ҳис қилган одам ўз ишини доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади. Бунга эришишнинг энг қулай йўли, ёшларда ғоявий билимларини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва илмий дунёқарашни шакллантиришдир” [7] деб таъкидлайди олим.

Педагогик фанлари доктори Ш.Акрамова ғоявий тарбиянинг ролини тушунтирар экан, “Бугунги кун талаблари таълим муассасаларида маънавий–маърифий ишлар мазмуни ва уларни янада такомиллаштиришни, мафкуравий муаммоларни ва ғоявий кураш масаласини янада чуқур илмий-педагогик таҳлил қилишни ёшларда мафкуравий иммунитетни амалда шакллантириш йўлларини яхшилашни талаб этади”, дейди [8].

НАТИЖАЛАР

Глобаллашув миллий маданият билан “оммавий маданият” орасидаги тўқнашув майдонига айланди. Шу боис педагог олимлар М.Қуронов ва Ф.Эсонбобоевлар “Гибрид олмадан .... Гибрид одамгача” номли рисоласида “Оммавий маданият” – бугунги кунда ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга интилаётган мураккаб мафкуравий воситага айланмоқда. Шу боис олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими ва ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар, талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун аввало ушбу таҳдиднинг мазмун моҳиятини билиши лозимлиги”ни [9] алоҳида таъкидлашади. Чунки «оммавий маданият» замонавий, технократик, лекин миллий эмас. У севгини секс, мехнатни бизнес, бировга яхшилик қилишни зарарли инвестиция, «ресурсларни мақсадсиз сарфлаш», ҳаё ва андишани “имкониятни бой бериш”, ота-боболаримиз ўгитларини “эскилик сарқити”, деб тушунтиради. Шундай қилиб у инсонни ўз миллий қадриятларидан, халқидан ажратиб, ўз сегментига қўшиб олади. Бу эса унинг жаҳондаги барча миллий маданиятлар кушандаси эканлигини кўрсатади.

А.Очилдиев ўзининг “Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси” номли рисоласида: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, ундаги ғоялар кураши, мафкуравий полигонларнинг бутун-бутун халқлар тақдирига таъсири билан боғлиқ масалалар ана шундай оламшумул аҳамиятга эга. Бу борадаги муаммоларни билиш, бегона, ёт ғоялар хуружидан огоҳ бўлиш ҳаётий заруриятга айланиб бораётганлигини батафсил ёритиб берган. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизим, комунизм ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир, деб таъкидлайди олим [10].

Сиёсатшунос Н.Жўраевнинг “Мафкуравий иммунитет” номли рисоласида ғоявий тарбиянинг профилактик фукциясига урғу беради ва: “Мафкуравий иммунитет жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, фуқароларнинг ҳис-туйғуларидан, мақсад ва интилишларидан, маънавий-маърифий ва руҳий-аҳлоқий даражасидан келиб чиқади. Агар мафкура инсонлик шаъни билан боғлиқ бўлган ҳиссиётдан келиб чиқсагина инсонни бошқаради, йўлга солади, деб алоҳида таъкидлайди.

МУҲОКАМА

Бугунги талаба ёшлар ижтимоий тармоқларнинг фаол фойдаланувчиларидир. Интернетнинг ушбу хусусияти замонавий ғоявий тарбия

олдига ёшларни ғояга қарши ғоя билан курашишни ўргатиш вазифасини қўймоқда. Бу ҳақда профессор М.Қуронов “Мафкура, таъсирчанлик ва услуб” номли рисоласида: “Ҳозир миллатимизга диний экстремизм, комунистик мафкура асоратлари, Ўзбекистон ҳақида нохолис маълумотлар тарқатиш каби бузғунчи ғоялар таҳдид солмоқда. Шундай вазиятда миллий мафкура миллатни бўлиб ташлашга қаратилагн бу каби таҳдидларга қарши фуқароларда мафкуравий қаршиликни (иммунитетни) шакллантириб, умуммиллий бирликни ҳимоя қилмоғи кераклигини таъкидлайди. Шу билан биргаликда рисолада миллий мафкурани халқимизнинг онгига сингдиришнинг энг таъсирчан услубларини ишлаб чиқиб [11] амалиётга тадбиқ этишни таклиф қилади.

Юқоридаги фикрлар замонавий ғоявий тарбияни модернизациялашда қатор муаммоларни ҳал этишни тақозо этади. Жумладан:

- жамият ҳаётида кенг кўламли мафкуравий ахборот муҳити яратиш;

- ёшларда миллий ғояга доир билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни қарор топтириш ва бу билимларни пухта ўзлаштиришга эришиш, амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминлаш;

- ёшлар онгида миллий ғояни сингдирининг педагогик асосларини замонавийлаштириш;

- олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий маърифий тадбирларнинг кўлами ҳамда сифатини ошириш ва уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш шулар жумласидандир. Зеро дунёдаги мафкуравий тортишувлар ва ахборот хуружлари ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялаш олдига янги, замонавий талабларни қўймоқда. Олий таълим муассасаларида ёт мафкураларнинг таъсирини зарарсизлартириш зарурати алоҳида таъкидланмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кун талабаси, бўлажак мутахассисларни ғоявий тарбиялаш Ўзбекистон тараққиётининг янги даври талаблари асосида, илмий педагогик асосда модернизациялашуви талабаларни мустақил касбий маънавий ҳаётга тайёрлаш доирасида амалга оширишни талаб қилади. Яъни, илгари талабаларга миллий ғоя, бузғунчи ва бунёдкор ғоялар тўғрисида билим бериш билан чекланиб келинган бўлса, модернизациялашган ғоявий тарбия ғоявий ҳушёрликни, компетенцияларни ёшларнинг кундалик ҳаётдаги уқувларига, хулқ-атвор меъёрларига айлантиради. Зеро ҳозирги босқичда миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ривожланиш талабалардан маънавий ахлоқий фазилатлар мазмунини билишнигина эмас,

балки ўзининг кундалик амалий фаолиятида қўллаш уқувига эга бўлишни талаб қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451 Қарори. 2006 йил. 25 август // Халқ сўзи.- Тошкент, 2006. - № 94 Б.1-2
2. Мадвалиев А таҳрири остида. (2006) Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,. 202
3. Каримов И.А. (2000) Миллий истиқлол ғояси : асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 5-6.
4. Қуронов М. Эгоцентризм – ёввоийлик фалсафаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2006. - №98.Б.3.
5. Саидов А. Конституция – мамлакатнинг демократик ривожланиш ва уни модернизация қилиш гарови./Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №4(52) 2010. 8-бет.
6. Касимова З.Ҳ. Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ...дис.- Тошкент: ЎПФИТИ, 2004 йил. 154 б.-18 бет.
7. Норқулов Ҳ.Д. Ота-оналарнинг ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент: ЎПФИТИ, 2007 йил. 134 бет. 4-бет.
8. Акрамова Ш.А. Ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент.Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. 2012 йил.196 бет. 5-бет.
9. Қуронов М, Эсонбобоев Ф. Гибрид олмадан ... Гибрид одамгача. Тошкент, “Муҳаррир”, 2010 йил. – 23 бет. 3-бет.
10. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Тошкент, “Ijod dunyosi”, 2002 йил.- 29 бет. 6-бет.
11. Қуронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб: Маъруза матни / Маъсул муҳаррир: А.Болтаев.-Т.: “Маънавият”, 2000. – 12 б. 5-бет.
12. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451 Қарори. 2006 йил. 25 август // Халқ сўзи.- Тошкент, 2006. - № 94 Б.1-2

13. Мадвалиев А таҳрири остида. (2006) Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,. 202
14. Каримов И.А. (2000) Миллий истиқлол ғояси : асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 5-6.
15. Қуронов М. Эгоцентризм – ёввоийлик фалсафаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2006. - №98.Б.3.
16. Саидов А. Конституция – мамлакатнинг демократик ривожланиш ва уни модернизация қилиш гарови./Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №4(52) 2010. 8-бет.
17. Касимова З.Ҳ. Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ...дис.- Тошкент: ЎПФИТИ, 2004 йил. 154 б.-18 бет.
18. Норқулов Ҳ.Д. Ота-оналарнинг ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент: ЎПФИТИ, 2007 йил. 134 бет. 4-бет.
19. Акрамова Ш.А. Ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент.Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. 2012 йил.196 бет. 5-бет.
20. Қуронов М, Эсонбобоев Ф. Гибрид олмадан ... Гибрид одамгача. Тошкент, “Муҳаррир”, 2010 йил. – 23 бет. 3-бет.
21. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Тошкент, “Ijod dunyosi”, 2002 йил.- 29 бет. 6-бет.
22. Қуронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб: Маъруза матни / Маъсул муҳаррир: А.Болтаев.-Т.: “Маънавият”, 2000. – 12 б. 5-бет.

REFERENCES

1. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451 Қарори. 2006 йил. 25 август // Халқ сўзи.- Тошкент, 2006. - № 94 Б.1-2
2. Мадвалиев А таҳрири остида. (2006) Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,. 202
3. Каримов И.А. (2000) Миллий истиқлол ғояси : асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 5-6.
4. Қуронов М. Эгоцентризм – ёввоийлик фалсафаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2006. - №98.Б.3.

5. Саидов А. Конституция – мамлакатнинг демократик ривожланиш ва уни модернизация қилиш гарови./Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №4(52) 2010. 8-бет.
6. Касимова З.Ҳ. Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ...дис.- Тошкент: ЎПФИТИ, 2004 йил. 154 б.-18 бет.
7. Норқулов Ҳ.Д. Ота-оналарнинг ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент: ЎПФИТИ, 2007 йил. 134 бет. 4-бет.
8. Акрамова Ш.А. Ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент.Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. 2012 йил.196 бет. 5-бет.
9. Қуронов М, Эсонбобоев Ф. Гибрид олмадан ... Гибрид одамгача. Тошкент, “Муҳаррир”, 2010 йил. – 23 бет. 3-бет.
10. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Тошкент, “Ijod dunyosi”, 2002 йил.- 29 бет. 6-бет.
11. Қуронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб: Маъруза матни / Маъсул муҳаррир: А.Болтаев.-Т.: “Маънавият”, 2000. – 12 б. 5-бет.
12. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451 Қарори. 2006 йил. 25 август // Халқ сўзи.- Тошкент, 2006. - № 94 Б.1-2
13. Мадвалиев А таҳрири остида. (2006) Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,. 202
14. Каримов И.А. (2000) Миллий истиқлол ғояси : асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 5-6.
15. Қуронов М. Эгоцентризм – ёввоийлик фалсафаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2006. - №98.Б.3.
16. Саидов А. Конституция – мамлакатнинг демократик ривожланиш ва уни модернизация қилиш гарови./Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №4(52) 2010. 8-бет.
17. Касимова З.Ҳ. Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ...дис.- Тошкент: ЎПФИТИ, 2004 йил. 154 б.-18 бет.
18. Норқулов Ҳ.Д. Ота-оналарнинг ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент: ЎПФИТИ, 2007 йил. 134 бет. 4-бет.

19. Акрамова Ш.А. Ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент.Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. 2012 йил.196 бет. 5-бет.
20. Қуронов М, Эсонбобоев Ф. Гибрид олмадан ... Гибрид одамгача. Тошкент, “Муҳаррир”, 2010 йил. – 23 бет. 3-бет.
21. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Тошкент, “Ijod dunyosi”, 2002 йил.- 29 бет. 6-бет.
22. Қуронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб: Маъруза матни / Маъсул муҳаррир: А.Болтаев.-Т.: “Маънавият”, 2000. – 12 б. 5-бет.